

## Охирги ўн куннинг фазилати

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

Аллоҳ роббил-оламийнга ҳамду санолар, пайғамбарлар саййиди – ҳазрати Мухаммад ва унинг аҳли байти, саҳобалари ва уларга гўзал суратда эргашган барча мўъминларга салоту-саломлар бўсин!

**Эй, мусулмон биродарим,** Ушбу муборак ойнинг файзли кунлари камайиб, баракотли кечалари тугаб бормоқда. Балки, сафар тараддудини кўриб, рўзадорлар билан видолашмокчи бўлиб турибди.

Дўстим, Рамазон ойининг ушбу ўтган кеча ва кундузлари сизнинг амалларингизга шоҳид ва уларни сақлаб қўйгувчи бир сандиқдир. Улар қиёмат куни сизинг фойдангизга ёки заарингизга гувоҳ бўладилар. Аллоҳ таоло айтади: **"Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозиру нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган қунни (эсланглар)! Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ килур. Аллоҳ бандаларига Ғамхўр-Мехрибондир".** (Оли Имрон: 30)

**Эй биродарим,** Ушбу кеча ва кундузларингизни солиҳ амаллар, гўзал сўзлар билан безатинг! Уларни ёмон амаллар ва хунук сўзлар билан булғатиб кўйманг! Улуғ парвардигоримиз Аллоҳ таоло сизу менга нидо килиб айтади: **«Эй бандаларим! Шубҳасиз булар сизларнинг амалларингиздир, уларни сизлар учун сақлаб қўйиб, тўла қилиб бераман. Қимки, яхшиликни топса, Аллоҳга ҳамд айтсин, ундан ўзгасини топган киши эса, ўзидан бошқа бирорни маломат килмасин!»** (Имом Муслим ривоят килган ҳадиси кудсий)

**Хой Аллоҳнинг бандаси!** Рамазон ойи борган сари камайиб, тугаб бормоқда. Қайси биримиз ўзимизни ҳисоб-китоб қилдик? Қайси биримиз, жаннат эшиклари беркитилишидан аввал у ерга қават-қават уйлар бино қилолдик?.

**Биродар,** Ушбу ой ниҳоялаб бормоқда, қолган кунларни ғанимат билиб, солиҳ амалларга астойдил бўлинг! Бошқа ойларнинг ўрнини босадигани бўлиши мумкин. Аммо Рамазон ойининг ўрнини босадиган ой йўқ. Сиз агар ушбу ойни ғафлат билан бефойда ўтказиб қўйсангиз, ўзингизга зарар қиласиз, холос. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ушбу ойни яна кайта келишини орзу қилган қанча кишилар унга етиб кела олмадилар-ку! Ажал ва унинг оқибати ҳакида ўйлаб кўрмадингизми? Унинг алдови сизга аён бўлмадими?

**Мусулмон дўстим,** Кечагина шод ҳуррамлик билан Рамазон ойини кутиб олгандик. Мана энди, биз ғафлатда турган бир пайтимизда у тугаб, сафар тараддудини кўра бошлади. Умр ҳам шундай, уни кандай қилиб тугаб қолганини сезмай қоламиз. Охиратмиз учун нима нарса такдим эта олганимиз ҳакида ҳам бир ўйлаб қўяйлик!

**Азиз дўстим,** Ғафлат уйқусини бас қилайлик. Бу муборак ойнинг кўпини ғафлат билан ўтказиб юбордик, унинг охирги ўн кунигина қолди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги ўн кунга қандай эътибор берганлар?

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг аввалги икки ўн кунлиги яъни, йигирма қунида намоз ҳам ўқир, ухлар ҳам эдилар. Охирги ўн кунлик киргач эса, аёллардан йироқ бўлиб, енг шимариб жидди-жаҳд қилас ва оила аъзоларини ҳам уйғотар эдилар.

Имом Аҳмад "Муснад"да Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳадисларини ривоят қиласидилар. Оиша онамиз айтадилар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йигирма қунда намоз ва уйқуни аралаш қиласидилар (яъни, кечаларнинг бир қисмида ухлар, бир қисмида бедор бўлардилар). Ўн қунда (яъни, охирги ўн қунда) эса, аёллардан йироқ бўлиб, енг шимариб ибодатга жидди-жаҳд қиласидилар».

**Хурматли биродар,** Эҳтимол бу — рўзасини тутишга муваффақ бўлинган охирги Рамазонимиздир. Келгуси Рамазонга яна етиб бораман деб қайси биримиз айта оламиз. Шундай экан ушбу муборак қунларни ғанимат билиб, қаттиқ ижтиҳод килиб, Аллоҳ таоло ато этган неъмат — тансиҳат хотиржамлиқдан унумли фойдаланиб музоаф-музоаф ажру савобларга эришиб олайлик.

Ушбу фазилатли кечаларнинг қадрига етмай, ғафлатда ўтказаётган қишилардан ажабланасан киши. Ундейлар қўп хайрли ишларга бепарво бўлган, ушбу ойнинг файзи-футуҳотидан маҳрум бўлган, том маънодаги зиёнкор шахслардир.

**Азиз биродар,** Рамазон ойининг йигирма қуни ҳам ўтиб кетди. У қунларни бепарво бўлмай, ибодатда машғул бўлиб ўтказган бўлсангиз нур устига нур. Акс ҳолда, Рамазон ойининг барча фазилатидан маҳрум бўлиб қолмаслик учун қолган ўн қунни ғанимат билиб, ҳиммат камарини белга боғлаб ибодатга киришинг! Ушбу ўн қунни қандай килиб ўтказишида Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намуна олинг!

Оиша онамиздан ривоят қилинган саҳих ҳадисда айтадилар: "**Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (охирги) ўн кунлик кирса, белларини боғлар** (яъни, аёллардан йироқ бўлар), **кечани бедор ўтказар ва ахларини уйғотар эдилар**". Бухорий ривояти.

Муслимнинг ривоятида эса, Оиша онамиз айтадилар: "**Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги ўн кунликда бошқасида қилмаган жидди-жаҳдни қиласидилар**".

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "**Фотима ва Алий розияллоҳу анхумоларнинг эшикларини қоқиб, "Намоз ўқимаяпсизларми...?"**", — дер эдилар. Бухорий ва Аҳмад ривоятлари.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинларининг уйларига юзланиб туриб, буюрган ҳолларида: "**Хонадон соҳибаларини уйғотинглар, бу дунёда либослик бўлган қўп қишилар борки қиёмат қуни ялонғочдирлар**", — дердилар. Бухорий ривоятлари.

Табароний ривоят қилган ҳадисда Алий розияллоҳу анху айтадилар: «**Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазоннинг охирги ўн кунлигига ўз аҳлларини ва намозга тоқати етадиган барча катта ва кичикни уйғотар эдилар».**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг охирги ўн кундаги ҳолатлари мана шулардир. Аввалин ва охирин гуноҳлари мағфират қилинган зотки, шу қадар ибодатга машғул бўлган бир пайтда, биз каби гуноҳ ботқоғига ботганлар нима учун бепарвомиз? Нега бундай!? Аллоҳ таоло бизларни ҳам яхшиликка муваффақ айласин!

**Азиз биродарим,** Огоҳ бўлингки, мана шу файзли кечалар ичидаги улуғ бир кеча бор. У "Қадр кечаси"дир. У кеча ҳақида муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Кимки, "Қадр кечаси" иймон билан, (Аллоҳдан) савоб умид қилган ҳолда қойим бўлса (ухламай ибодатга машғул бўлса) унинг ўтган гуноҳлари мағфират килинади".

Қадр кечасининг охирги ўн кунлигда эканлиги таъкидланган. Оиша онамиз ривоят килган саҳих ҳадисда Набий алайҳиссалату вассалам айтадилар: "Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кунидан изланглар". Бухорийнинг ривоятларида эса: "Рамазоннинг охирги ўн куннинг тоқ кечаларида". (дейилган) Бу борада жуда кўп ҳадислар ворид бўлган.

**Дўстим,** Мана шу охирги ўн кунликда дунё машғулотларидан узилиб, эътикоф ўтириш ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан. Саҳиҳайнда ривоят қилинган ҳадисда Оиша онамиз айтадилар: "Пайғаммар алайҳиссалату вассалам Аллоҳ у зотни вафот топтиргунга қадар ҳар Рамазоннинг охирги ўн кунида эътикоф ўтирганлар".

**Қимматли биродар,** сизу бизга Росулуллоҳда чиройли намуна бор. Аллоҳ таоло барчамизни пайғамбаримизнинг изларидан юришга муваффақ айласин! **Омийн.**

Абу Мухаммад ибн Сирож

Мавзу [Ислом Нури веб саҳифасида нашр қилинган](#)